Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil, 6-oktabr, seshanba
№121 (5341)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев нефть ва газ тармоғида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар юзасидан тақдимот билан танишди.

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Туркиянинг Хатай вилоятида «Бир илдиз, бир маърифат: Ўзбекистон – Туркия дўстлик кўприги» халқаро форуми ўз ишини бошлади.

* * *

Ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Дания Ташқи ишлар вазири Ларс Лёкке Расмуссен билан учрашди. Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

Миграция агентлиги директори Муҳсинхўжа Абдураҳмонов Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гвидо Де Санктис билан учрашди. Унда Италиядаги Ўзбекистон фуқароларини ишга жойлаштириш, тиббиёт йўналишида кадрларни тайёрлаш ва мавсумий бандлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида Ўзбекистон – Германия иқтисодий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.

* * *

Францияда бўлиб ўтган Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) Бош ассамблеяси йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва Буюк Британия вакиллари ўртасида учрашув ўтказилди.

* * *

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Бобур Исломов Туркиянинг «Nakkaş Holding» компанияси бош директори Меҳмет Али Исламоғлу бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

* * *

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 октябрдаги «Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасининг Ляонинг педагогика университети филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Хоразм вилоятида Ляонинг педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали ташкил этилади.

* * *


Танзаниянинг Аруша шаҳридаги Халқаро анжуманлар маркази(AICC)да Парламентлараро иттифоқ (ПИ) Ассамблеясининг 153-сессияси бўлиб ўтмоқда. Тадбирда иштирок этиш учун Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги расмий делегация ҳам Танзанияга ташриф буюрган.

* * *

Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳудудлари Кенгашининг III йиғилиши доирасидаги тадбирлар бошланди.

* * *

«Navoiyuran» давлат корхонасида коррупцияга қарши бошқарув тизимини халқаро стандарт талаби асосида такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда ушбу корхона ISO 37001:2025 «Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими» халқаро стандарти жорий этилганлиги тўғрисидаги сертификатни қўлга киритди.





САМАРҚАНДДАН ТОШКЕНТГАЧА

янги электр узатиш тармоғи қурилмоқда

Нуробод туманида 1000 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси, 1336 МВт соатлик электр энергиясини сақлаш тизими, шунингдек, янги 500 кВ ва 220 кВли электр узатиш тармоқлари қурилмоқда.

Энергетика вазирлигининг хабар қилишича, Саудия Арабистонининг «Acwa» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик энергетика лойиҳасининг муҳим қисми Нуробод туманидан Тошкент вилоятидаги «Ҳалқа» нимстанциясигача бўлган 350 километр узунликдаги икки занжирли 500 кВли электр узатиш тармоғи бўлиб, у Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудидан ўтади.

Нуробод – Тошкент «Ҳалқа» электр узатиш тармоғи қурилишини 2028 йилнинг биринчи чорагигача якунлаш режалаштирилган. Шунингдек, лойиҳа доирасида яна 150 километр узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғи барпо этилмоқда. Ҳозирда бу қурилишнинг 50 фоизи якунланган бўлиб, уни 2027 йил май ойида тўлиқ битказиш мўлжалланмоқда. Натижада лойиҳа доирасида жами 500 километр электр узатиш тармоғи барпо этилади.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЯПОНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН XX ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ТАБРИГИ

Батафсил танишиш учун ушбу QR кодни сканер қилинг:

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ЗАФАРЛАРИ

ЁРУҒ ЮЗ, ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАР БИЛАН...



Япониянинг Аичи ва Нагоя шаҳарларида ўтказилган XX Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 21 та олтин, 25 та кумуш ва 24 та бронза, жами 70 та медалга сазовор бўлиб, 45 мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Осиё Олимпия кенгаши шафелигида ўтказилган Осиё ўйинларида қитъанинг 45 давлатидан 11 минг нафарга яқин спортчи иштирок этди. 16 кун давом этган мусобақалар спортнинг 43 тури ва 71 та йўналиши бўйича ўтказилиб, унда спортчилар 469 та баҳсда жами 1 минг 407 та медаль учун рақобатлашди.

Тўрт йилликнинг энг нуфузли комплекс ўйинларида Ўзбекистон делегацияси спортнинг 42 тури бўйича баҳсларга киришди. Шундан 36 таси олимпия, 6 таси ноолимпия спорт турларидир. Миллий терма жамоаларимиз таркибида 396 нафар спортчи – 224 нафар эркак ва 172 нафар аёл мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Бу галги Осиё ўйинларида 28 мамлакат вакиллари олтин медални қўлга киритган бўлса, 37 та давлат спортчилари камида битта совринли ўрин соҳиби бўлди. Япониядаги мусобақалар давомида бир қатор спорт турлари бўйича 89 та Осиё рекорди янгиланди. Шунингдек, 54 та жаҳон, 212 та Осиё ўйинлари рекорди ва 11 та жаҳон ўсмирлар рекорди қайд этилди.

*Қувонарлиси, ушбу рекордчилар орасида ўзбек полвони ва мергани ҳам бор. Жумладан, **қитъа ўйинларида оғир атлетика бўйича эркаклар ўртасида 110 килограмм вазнда иштирок этган ҳамюртимиз Акбар Жўраев олтин медалга эга чиқди.** У даст кўтаришда аввал 190 килограмм оғирликни ўзига бўйсундириб, Осиё ўйинлари рекордини, учинчи уринишда эса 197 килограмм натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади. Ўқ отиш баҳсларида Владимир Свечников 10 метр масофадан пневматик тўппончадан отиш дастурида 244,3 очко жамғариб, Осиё ўйинлари рекордини янгилади. Ушбу натижа унга олтин медални ҳам тақдим этди.*

Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз Эрон, Таиланд, Қозоғистон, Хитой Тайпейи, Баҳрайн, Шимолий Корея, Гонконг, Индонезия, Қатар, Сингапур, Малайзия, Вьетнам, Кувайт каби спорт соҳасида ривожланган давлатларни ортда қолдирди. Умумжамоа ҳисобида Хитой Халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея ва Ҳиндистондан кейин фахрли бешинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон спорти тарихида яна бир ёрқин саҳифа очди.



Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда фаолият юритаётган шифохоналар сони 1 987 тани ташкил этган.

Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 15 тага кўпайган.

шифохоналар сони (2026 йил 1 январь ҳолатига)
1 987 та

2024 йилга нисбатан 15 тага кўпайган.

1 384 та
шифохона кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти ҳисобланади.


8 912 та
амбулатория-поликлиникаси фаолият юритиб, шундан 5 929 таси кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти ҳисобланади. Уларнинг сони 2024 йилга нисбатан 805 тага кўпайган.

Шифохона муассасаларининг ҳудудлар кесимидаги сони:

- Қорақалпоғистон Республикаси – 62 та;
- Андижон вилояти – 265 та;
- Бухоро вилояти – 135 та;
- Жиззах вилояти – 71 та;
- Қашқадарё вилояти – 137 та;
- Навоий вилояти – 45 та;
- Наманган вилояти – 201 та;
- Самарқанд вилояти – 194 та;
- Сурхондарё вилояти – 96 та;
- Сирдарё вилояти – 48 та;
- Тошкент вилояти – 146 та;
- Фарғона вилояти – 246 та;
- Хоразм вилояти – 84 та;
- Тошкент шаҳри – 240 та.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган 1211 рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



https://t.me/ishonchuz_official
facebook.com/ishonchofficial.uz
ishonch1991@yandex.uz
www.ishonch.uz

ТААССУРОТ

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Тожикистон азалдан бир-бирига қўшничилик, дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳурмат ришталари билан чамбарчас боғланган. Кейинги йилларда бу икки давлат ўртасидаги халқаро муносабатлар барча соҳалар қатори меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва ўзаро тажриба алмашиш йўналишларида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки давлат касаба уюшмалари ўртасида имзоланган келишув ва ҳамкорлик меморандумлари дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилнинг 6 январида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ҳамда Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерациясининг Хатлон вилояти кенгаши ўртасида 2026 йилга мўлжалланган йўл харитаси имзоланиб, унда касаба уюшмалари фаолиятининг турли йўналишларида ўзаро тажриба алмашиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни ўрганиш, тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, семинар ва ўқув тадбирларини ташкил этиш каби муҳим вазифалар белгилаб олинган эди.

Йўл харитасига киритилган вазифалар ижросини таъминлаш, қўшни давлат касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида яқинда Тожикистонда сафарда бўлдик. Шу аснода ҳар томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалар ва келгусидаги режалар хусусида фикр алмашдик. Хатлон касаба уюшмалари ташкилотининг иш тажрибаси билан танишишдан ташқари, ҳудуддаги тарихий, маданий ва сайёҳлик объектларини зиёрат қилдик.

Ташриф давомида икки давлат касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда фаолиятнинг турли йўналишларида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, бугунги кунда касаба уюшмалари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий манфаатларини ишончли ҳимоялаш. Бу борада халқаро тажриба алмашиш, илғор усулларни ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Сурхондарё ва Хатлон ҳудудлари касаба уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Қобил БОБОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари



ИЧКИ ТУРИЗМ

УСТОЗЛАР ҚУВОНЧИ – БИЗ УЧУН КАТТА МУКОФОТ

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан пойтахтимизда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва педагог-ходимлар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

Мактабгача таълим ташкилотлари умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртларида меҳнат қилаётган 250 нафар соҳа вакили бир неча асрлик тарих, буюк алломалар ва давлат арбобларининг номи билан чамбарчас боғлиқ қадимий замин, ундаги муҳташам обидалар ва маънавий муҳит билан яқиндан танишди. Жумладан, буюк муҳаддис, ислом оламининг энг улуғ алломаларидан бирининг номи билан аталмиш маскан – Имом ал-Бухорий мажмуасига ташриф буюрдилар. Бобокалонимизнинг илмий мероси, ҳадис илмини ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш, тарихий ва маънавий муҳитни ҳис этиш саёҳат мазмунини янада бойитди.

Айтиш лозимки, бундай тадбирлар нафақат дам олиш, балки ҳамкасблар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, жамоавий бирдамликни ошириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

– Кундалик фаолиятимизда болалар таълим-тарбияси, дарс машғулотлари ва бошқа вазифалар билан банд бўламиз, – дейди Сергели туманидаги 349-ДМТТ тарбиячиси У.Рустамова. – Шундай пайтларда ҳамкасблар билан биргаликда саёҳат қилиш, юртимизнинг гўзал масканларида бўлиш биз учун бошқача завқ беради. Бундай эътибор учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирамиз.

Кейинги пайтларда педагогларни юртимизнинг турли диққатга сазовор қадамжоларига ҳам саёҳатга юбориш хайрли анъанага айланган. Хусусан, Хоразмнинг қадимий тарихи, Хиванинг ўзига хос меъморий қиёфаси билан танишиш, Зоминнинг сўлим табиати ва тоғ манзараларини томоша қилиш ўқитувчиларга ўзаро фикр алмашиш, тажриба ва таассуротларини баҳам кўриш, ҳамкасблик ришталарини янада мустаҳкамлаш имкониятини ҳам берди.

Биз бундан кейин ҳам таълим фидойиларига алоҳида эътибор кўрсатиш, уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, маданий-маърифий савияларини ошириши билан боғлиқ ишларни изчил давом эттирамиз. Зеро, устозлар қувончи, самимий дуолари биз учун энг катта мукофотдир.



Абдуҳалил РАҲМОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси

БУНЁДКОРЛИК

ЎҚИШ БИЛАН АМАЛИЁТ УЙҒУНЛАШГАН ДАРГОҲ

Ангрен шаҳрида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 4-техникумнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, «Ўзкимёсаноат» АЖ раиси Одил Темиров, «Birinchi rezinotexnika zavodi» МЧЖ ХК директори Ғуломжон Ибрагимов, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимджанова ва бошқалар иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар замонавий техникум бугун фақат дарс ўтиладиган бино эмас, балки ёшларнинг касбий салоҳиятини рўёбга чиқарадиган, уларни ҳақиқий иш муҳитига тайёрлайдиган муҳим таълим маскани эканини таъкидладилар.

Янги бино 855 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқув устахоналари, фаоллар ва спорт зали, ётоқхона ҳамда ошхонадан иборат. Талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, «Birinchi rezinotexnika zavodi» МЧЖ ХК билан ҳамкорликда дуал таълим тизими йўлга қўйилгани ёшлар учун катта имкониятдир. Бундай ёндашув ёшлар келгусида ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.



Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассиси

МУСОБАҚА



КИБЕРСПОРТДА КИМ ҒОЛИБ?

Навоийда киберспорт бўйича «Касаба уюшмаларининг ёшлар кубоги» мусобақаси ўтказилди. Унда 12 та жамоа иштирок этди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга омад тилади.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилган жамоалар ғолибликни қўлга киритди. «Навоий ИЭС» АЖнинг «Dark Legends» жамоаси биринчи, «Ҳудудгаз Навоий» АЖнинг «Fire» жамоаси иккинчи, «Қизилқумцемент» АЖнинг «Бургутлар» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.



Дилафрўз ЎРОЗОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ...

ЖАРИМА ТЎЛАШИМ РОСТМИ?

САВОЛ: *Яқинда ўзимга тегишли хонадон ҳовлисига омборхона қурдим. Бир қўшним «Рухсатсиз қурилиш қилганингиз учун жаримага тортиласиз», деди. Унинг гапи тўғрими?*

Хуршид МАҲКАМОВ
Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда муайян ҳолатларда тегишли рухсатномага эга бўлмасдан бино ва иншоотларни лойиҳалаштирганлик, реконструкция қилганлик ва қурганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик ва жарима жазоси белгиланган. Бироқ бу қурилиш-таъмирлаш ишлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга татбиқ этилади, дегани эмас.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси мазмунига кўра, тегишли рухсатномасиз қурилиш-таъмирлаш билан боғлиқ ишлар фақат қуйидаги иккита ҳолатда амалга оширилган тақдирда жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин:

– қурилиш-таъмирлаш ишлари биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда амалга оширилган бўлса;

– қурилиш-таъмирлаш ишлари аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига зид равишда (бош режаларда назарда тутилмаган ҳолда) бажарилган бўлса.

Агар юқорида қайд этилган чекловлар бўлмаса, ўзингизга тегишли хонадон ҳудудида қўшимча қурилиш қилишингиз ёки реконструкция ишларини амалга оширишингиз мумкин ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайсиз.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

СЕМИНАР



ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ

Бухорода давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудит ўтказиш тартибига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат ҳуқуқи ҳамда техник инспекторлар, шунингдек, соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

Дастлаб Федерациянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ҳамиджон Бешимов сўзга чиқиб, давлат бошқарувида гендер аудитини самарали йўлга қўйиш, меҳнат жамоаларида ходимлар учун тенг имкониятлар яратиш, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири эканини таъкидлади.

Семинарда 2030 йилга қадар мамлакатимизда гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсад ва вазифалари атрофлича таҳлил қилинди.



Ҳайитбек БАРНОЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

1211 ЭШИТАДИ...

ШАҲИНАБОНУ ХАСТАЛИКДАН ХАЛОС БЎЛДИ

Самарқандлик Шаҳинабону оғир дардга чалинди. Шифокорлар жарроҳлик амалиёти ўтказиш лозимлигини айтишди. Аммо оиланинг моддий аҳволи яхши эмасди.

Ўн икки ёшли қизининг кун сайин сўниб бораётганидан қаттиқ хавотирга тушган Юлдуз Эргашева касаба уюшмалари қошида фаолият юритаётган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, амалий ёрдам сўради.

Мурожаат назоратга олиниб, тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Натижада Шаҳинабону Раҳматова вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида операция қилинди.

Айни вақтда қизчанинг аҳволи яхшиланди ва у тенгдошлари сафига қайтди. Фарзанди хасталикдан халос бўлганидан онанинг боши кўкка етди.

Нурбек ФАХРИДДИНОВ

ТАДБИР

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР КЎП

Фарғона вилоятидаги «Автоойна» МЧЖда хотин-қизлар комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иш берувчи ва маъмуриятнинг масъул вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши фаоллари қатнашдилар.



Айтиш лозимки, муассасада меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ.

Тадбирда дастлаб комиссия фаолиятига оид ҳисобот тингланди. Унда ўтган давр мобайнида хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш, иш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Муҳокамалардан сўнг комиссия раиси ва аъзоларининг янги таркиби сайланди. Уларнинг зиммасига мурожаат ва таклифларни мунтазам ўрганиш, аёл ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш каби вазифалар юклатилди.



Муқаддасхон АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг хотин-қизлар комиссияси раиси

ЎҚУВ

БИЛИМ ВА МАЛАКА ОШИРИЛДИ

«Тахиатош ИЭС» АЖда ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш ҳамда қонунчиликдаги янгиликларни тушунтириш мақсадида семинар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат ва техник инспекторлари Маман Сейдуллаев, Бекполат Утепбергенов, Султон Ўразимбетов иштирок этдилар.

Семинарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини тўғри ташкил этиш, мутахассисларнинг масъулияти ва вазифалари, Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришлар ҳақида маълумотлар берилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ЎЙРИНДОШЛИКДА ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАРГА УСТАМА ТЎЛАШДА НЕГА ЭЪТИРОЗЛАР КЎП?



ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА ЯНГИ ТАРТИБЛАР КУЧГА КИРАДИ

«ISHONCH» САВОЛИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ, ТУРИЗМ ҚЎМИТАСИ ДИҚҚАТИГА!

Самарқанднинг кўп асрлик тарихида Темурийлар даври алоҳида ўрин тутади. Соҳибқирон ва авлодлари амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли кўҳна юрт жаҳон тамаддунининг муҳим марказларидан бири сифатида эътироф этилади.

САМАРҚАНДДА НЕГА АМИР ТЕМУР МУЗЕЙИ ЙЎҚ?

Бироқ бу заминга келган сайёҳ ёки оддий фуқаро «Амир Темур музейи қаерда?» деб сўраса, қандай жавоб беришни билолмай қоласиз. Чунки шаҳарда Амир Темурнинг ҳаёти, давлатчилик фаолияти ва тарихий меросини яхлит тарзда ёритадиган алоҳида музей мавжуд эмас.

Албатта, пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи фаолият кўрсатмоқда. Агар Темурийлар даврининг энг муҳим марказларидан бири бўлган Самарқандда ҳам унга ўхшаш музей мажмуаси ташкил этилса, айни муддао бўларди. Чунки Самарқанд соҳибқирон даврида давлат пойтахтига айланиб, улкан сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатида шаклланди. Ўша кезларда барпо этилган Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуаси, Улуғбек мадрасаси ва бошқа кўплаб меъморий обидалар асрлар оша сақланиб келмоқда.

Туристлар оқими йил сайин кўпаяётган ҳозирги шароитда тарихдан сўзлайдиган, Темурийлар даври ҳақида яхлит тасаввур берадиган муҳим маърифий марказга эҳтиёж яққол сезиляпти. Аслида бундай музейнинг аҳамияти фақатгина туризм билан чекланмайди. У ёш авлоднинг миллий ўзлигимизга қизиқишини ошириш, тарихий хотирани асраш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш ва Самарқанднинг халқаро маданий нуфузини янада юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, масала фақат янги бино қуришдан ёки яна бир маданий муассаса ташкил этишдан иборат эмас. Гап Самарқанднинг Амир Темур ва Темурийлар тарихидаги беқиёс ўрнини замонавий музей воситалари орқали дунё аҳлига янада тўлиқ ва таъсирчан намоён этиш ҳақида бормоқда.

Зеро, Самарқандниng ҳар бир кўчаси, ҳар бир меъморий ёдгорлиги Темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилади. Шу боис ўша даврни яхлит тарихий манзара сифатида намоён этадиган замонавий музей барпо этилса, фойдадан холи бўлмасди. Бу масалани мутахассислар, тарихчилар, музейшунослар ва жамоатчилик иштирокида жиддий муҳокама қилиш ва тегишли хулосага келиш лозим.



Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



«ПАРЧАЛАНАЁТГАН» ИНСОН

Унинг руҳиятини қандай асраб қолиш мумкин?

Илм-фан ва технологиялар ривожлангани сари инсон имкониятлари кенгаймоқда, аммо ички барқарорлик ва руҳий яхлитлик билан боғлиқ муаммолар кучаймоқда. Улардан бири замонавий психологияда «яхлитлик танқислиги» деб аталувчи ҳолатдир. Бу атама илмий адабиётларда турлича ифодаланса-да, мазмунан бир нуқтага, яъни инсоннинг ички дунёси, қадриятлари, ҳис-туйғулари ва ташқи ҳаёти ўртасидаги уйғунликнинг бузилишига бориб тақалади. Оддий қилиб айтганда, инсон бир нарсани ўйлаб, бошқача гапирганда ва бошқача ҳаёт кечирганда, ички «мен»и парчаланади. Оқибатда у ўзини турли ролларни ижро этувчи актёр сифатида ҳис қилади.

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБА НЕГА БУ ҲОЛАТГА ТУШИБ ҚОЛМОҚДА?

Ҳозирги талабаларнинг ҳаёти авлагиларникидан мутлақо фарқ қилади. Илгари инсоннинг шахсияти асосан оила, китоб ва атроф-муҳит таъсирида шаклланган бўлса, бугун у бир вақтнинг ўзида ўнлаб ахборот манбалари ичида яшамоқда. Ижтимоий тармоқлар, сунъий интеллект, онлайн муҳит ва доимий таққослаш психологияси ёшлар онгига кучли босим ўтказмоқда.

Талаба аудиторияда бир образда, ижтимоий тармоқда иккинчи тимсолда, оила даврасида эса мутлақо бошқа қиёфада намоён бўлиши мумкин. Бу ҳолат аста-секин ички зиддиятларни келтириб чиқаради. Оқибатда инсон ўзининг ҳақиқий «мен»ини йўқота бошлайди. Энг хавфлиси, кўпчилик буни муаммо сифатида англамайди. Масалан, баъзи талабалар интернетда муваффақиятли ва серғайрат кўринади. Аслида эса улар ички тушкунлик, хавотир ёки ўзидан қониқмаслик билан курашаётган бўлади. Бу вақт ўтиши билан эмоционал чарчоқ, маънавий бўшлиқ ва ҳатто депрессияга олиб келиши мумкин.

Жанубий Корея – дунёда интернет ва ижтимоий тармоқларга энг кўп боғланган давлатлардан бири. Ёшлар ўртасида депрессия, ёлғизлик, ўзликни англаш инқирози кучайганидан сўнг давлат махсус лойиҳаларни йўлга қўйди. Смартфондан вақтинча узилиш масканлари, психологик реабилитация марказлари ва табиат терапияси шулар жумласидандир. Бундай лойиҳалардан кейин талабаларда хавотир камайиб, жонли мулоқот ва эмоционал барқарорлик ортган.

«МЕН КИММАН?» ДЕГАН САВОЛ КУЧАЙМОҚДА

Инсон ҳаётидаги энг муҳим эҳтиёжлардан бири ўзликни англашдир. Яъни, инсон ўзининг кимлиги, ҳаётдаги мақсади ва қадриятларини англаши керак. Аммо ҳозирги тезкор муҳитда ёшларнинг аксарияти тайёр «идеал образлар» таъсирида яшашни афзал кўрмоқда. Кимдир бойликни, кимдир машҳурликни, яна кимдир ташқи кўринишни ҳаётнинг асосий мезони сифатида қабул қилмоқда. Натижада ўз ички эҳтиёжларига эмас, балки жамиятдаги сунъий стандартларга мослашишга ҳаракат қиляпти. Бу эса ички зиддиятларни кучайтиради.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ИЛҲОМ МАНБАИМИ ЁКИ ПСИХОЛОГИК БОСИМ?

Ижтимоий тармоқларни бутунлай қоралаш тўғри эмас. Улар билим олиш, мулоқот ва имкониятларни кенгайтириш воситаси ҳам. Шу билан бирга, улардан нотўғри фойдаланиш инсон психологиясига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Айниқса, доимий таққослаш хавфли. Талаба ўз ҳаётини бошқаларники билан солиштириб кўрса, кимдир хорижда ўқияпти, кимдир бизнес қиляпти, бошқа биров машҳур бўлиб кетмоқда. Бу ҳолатлар унда «Мен ортда қоляпман» деган фикрни пайдо қилади. Ваҳоланки, ижтимоий тармоқлардаги ҳаёт кўп ҳолларда ҳақиқатнинг безатилган қисми холос. Аммо инсон онги буни вақтида англайвермагани боис ўзидан норозилик, хавотир ва руҳий босим кучайиб боради.

ДУНЁДА БУ МУАММОГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИЛМОҚДА?

Финляндия таълим тизимида ўқувчини ўзини англайдиган шахс сифатида тарбиялаш концепциясига ўтилди. Мактаб ва университетларда жамоавий муҳокамалар, эмоционал интеллект, шахсий фикрни ифодалаш, рақамли маданият, ҳаёт маъноси ҳақида мулоҳаза каби йўналишлар таълимга киритилди. Натижада психологлар талабаларда стресс пасайганини, ижтимоий ишонч ошганини қайд этдилар.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, инсонни фақат билим билан эмас, балки ички барқарорлик ва шахсий англаш асосида тарбиялаш маънавий парчаланишнинг олдини олади.

Жанубий Корея – дунёда интернет ва ижтимоий тармоқларга энг кўп боғланган давлатлардан бири. Ёшлар ўртасида депрессия, ёлғизлик, ўзликни англаш инқирози кучайганидан сўнг давлат махсус лойиҳаларни йўлга қўйди. Смартфондан вақтинча узилиш масканлари, психологик реабилитация марказлари ва табиат терапияси шулар жумласидандир. Бундай лойиҳалардан кейин талабаларда хавотир камайиб, жонли мулоқот ва эмоционал барқарорлик ортган.

ЮРТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати ва «Ёшлар дафтари» тизими ёлғизланиб қолишнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Давлат томонидан ишсиз йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашга, психологик-ижтимоий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу уларда «Мен жамиятга керакман» деган ишонч ва қадр ҳиссини шакллантириб, маънавий бўшлиқ ва ички парчаланишни камайтиради.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида психологлар фаолияти кенгайтирилиб, талабалар билан индивидуал ишлаш, стресс ва депрессия профилактикаси, психологик маслаҳатлар ҳамда тренингларга эътибор кучайди. Бундай ёндашувлар талабаларнинг эмоционал барқарорлигини мустаҳкамлаш, ташқи босимларга чидамлилигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Китоб инсонда фикрлаш, таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш ва эмоционал барқарорлик каби фазилатларни ривожлантиради. Шу боис юртимизда ташкил этилаётган китобхонлик танловлари ахборот оқими ва рақамли муҳит таъсирида «парчаланган тафаккур»нинг салбий оқибатларини юмшатишга ёрдам беради.

ЯХЛИТЛИКНИ ҚАНДАЙ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУМКИН?

Аввало, инсон ўзини эшитишни ўрганиши керак. Замонавий дунёда ҳамма гапиряпти, аммо озчилик ўз ички овозини тинглаяпти. Бу синдром тузоғига тушиб қолмаслик учун талаба ўзига доимий равишда «Мен ким учун яшаяпман?», «Нимани истайман?», «Қадриятларим нималардан иборат?», «Ҳаётимдаги асосий мақсад нима?» каби савалларни бериб туриши керак. Бу таҳлил инсонни ички англаш сари етаклайди. Шунингдек, рақамли муҳит билан реал ҳаёт ўртасидаги мувозанатни сақлаш жоиз. Китоб ўқиш, жонли мулоқот, спорт ва ижод билан шуғулланиш, табиат қўйнида вақт ўтказиш инсон руҳиятини тиклашга ёрдам беради.

Энг муҳими, инсон ўзини бошқалар билан эмас, кечаги ўзи билан таққослашни ўрганиши лозим. Чунки ҳақиқий муваффақият фақат диплом, мансаб ёки машҳурлик эмас, инсоннинг ўзини сақлаб қолиши, ички хотиржамлиги ва маънавий яхлитликка эриша олишидадир.



Камолиддин ЖАББАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори



КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АЙРИМ ОТА-ОНАЛАР ФАРЗАНДИНИ АЛОҲИДА ШАХС, МУСТАҚИЛ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА КЎРИШМАЯПТИ. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРГА ЯХШИЛАБ РАЗМ СОЛСАНГИЗ, БУНГА АМИН БЎЛАСИЗ. ОММА ТОМОНИДАН ЗАВҚУ ШАВҚ БИЛАН КЎРИЛАЁТГАН, КЎП ОЛҚИШ ОЛАЁТГАН РИЛСЛАР АЙНАН БОЛАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ.

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИГА!

ИНТЕРНЕТДА СОТИЛАЁТГАН БОЛАЛИК

уларнинг ҳуқуқларини ким ҳимоя қилади?

Ҳўш, бугун интернетда машҳур бўлаётган ўғил-қизларнинг эртанги тақдири нима бўлади? Бу ҳақда кимдир ўйлаб кўрганмикан? Вақт-соати етиб, «Нима учун менинг ҳаётим бегоналарнинг кулгиси ва трендига айлантирилган?» деган савол уларни қийнамасмикан?

Дунё тажрибасидан маълум бўлишича, ота-она фарзандининг розилигисиз унинг сурати ва видеоларини тармоққа жойлаши оқибатида келиб чиқаётган низолар аллақачон ҳуқуқий майдонга кўчган. Мисол учун, Австрияда 18 ёшга тўлган қиз ўз ота-онасини судга берган. Сабаби, болалигидан бери ота-онаси унинг 500 дан ортиқ шахсий ва ноқулай аҳволдаги суратларини Facebook тармоғига жойлаштириб келган. У суратларни ўчиришни қайта-қайта сўраса-да, отаси «Буни ўзим олганман, хоҳлаганимча фойдаланаман», деб рад этган. Натижада суд қизнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ва шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқини тан олиб, ота-она зиммасига сурат ва видеоларни ўчириш мажбуриятини юклаган.

Худди шундай иш Италиянинг Рим фуқаролик судида ҳам кўриб чиқилган. 16 ёшли ўсмир онаси ижтимоий тармоқларда унинг расмларини тез-тез жойлаштириши ва шахсий ҳаётига аралашиши ҳақида судга арз қилган. Суд онага ўғлининг суратларини ўчириб ташлаш ва қайта эълон қилмаслик мажбуриятини юклаган.

Францияда эса 2024 йили махсус қонун қабул қилиниб, ота-она бола тасвирини тармоққа жойлашидан олдин унинг фикрини инобатга олиши зарурлиги шарт қилиб қўйилди ва суиистеъмолчилик бўлган тақдирда судга тасвир тарқатиш ваколатини ота-онадан тортиб олиш ҳуқуқи берилди.

Бундай суд амалиёти ва қонунчилик бежиз пайдо бўлаётгани йўқ. Улар халқаро ҳуқуқ нормаларига таянади. Жумладан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 16-моддасида шундай дейилади: «Ҳеч бир бола шахсий, оилавий ҳаётининг дахлсизлиги, уй-жойининг ёки ёзишмаларининг сир сақланиши ҳуқуқини амалга оширишда ўзбошимчаликка, ноқонуний аралашувга, шунингдек, унинг шаъни ва обрўсига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас». Шунингдек, ушбу Конвенциянинг 12-моддасида боланинг ўзига тааллуқли ҳар қандай масалада шахсий фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи кафолатланган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам бу борада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор мавжуд. Хусусан, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида боланинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилинишига, шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. 10-модда болани ота-она томонидан содир этиладиган руҳий зўравонлик ва унинг шаънига нисбатан бўладиган тажовузлардан ҳимоя қилади. Оила кодексининг 67-моддасида эса «Бола ота-онаси (уларнинг бири) томонидан ҳуқуқлари суиистеъмол қилинганда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органларига, 14 ёшга тўлгач эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга» деб қайд этилган. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 99-моддаси фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқларини, жумладан, шахсий ҳаёти сири қонун билан қўриқланишини кафолатлайди.

Демак, ота-онанинг ўз фарзанди тасвирларидан унинг розилигисиз ёки ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда фойдаланиши қонунчилик талабларига зид. Зеро, ўғил-қизлар ота-онанинг ёки блогерларнинг медиа ва молиявий мақсадларини ҳал қилувчи манба эмас. Уларнинг болалигини дахлсиз ўтказиш ҳуқуқи ҳар қандай гонорар ҳамда «лайк»лардан устун туриши шарт!

Шу боис Болалар омбудсмани ҳамда мутасадди ташкилотлар мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг рақамли оламдаги дахлсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратсалар айни муддоа бўлар эди. Ижтимоий тармоқларда болаларнинг шахсий ҳаётидан тижорий ёки медиа мақсадларда фойдаланишга чек қўядиган, шунингдек, блогерлар ва ота-оналарнинг рақамли майдондаги масъулиятини белгилайдиган ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вақти аллақачон етди. Бу нафақат бугунги болаларнинг, балки келажак авлоднинг хавфсизлиги учун ҳам муҳим ҳуқуқий кафолатдир.

Францияда эса 2024 йили махсус қонун қабул қилиниб, ота-она бола тасвирини тармоққа жойлашидан олдин унинг фикрини инобатга олиши зарурлиги шарт қилиб қўйилди ва суиистеъмолчилик бўлган тақдирда судга тасвир тарқатиш ваколатини ота-онадан тортиб олиш ҳуқуқи берилди.



Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ДОРИЛАР ЎЗ НАРХИДАН ҚИММАТ СОТИЛАЁТГАНИ АНИҚЛАНГАН



ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ҚАРИЙБ ЯРМИДА ЖАМҒАРМА ЙЎҚ – МАРКАЗИЙ БАНК

«ТИТАНИК»ДАН ҚОЛГАН САБОҚ

ёхуд жамиятда ҳеч ким ёлғиз эмас

Кўпчилик сингари пиёда юрарканман, гоҳида адоқсиз ўй-хаёллар гирдобига тушиб қоламан. Баъзан яқин биродарларим ёнидан уларни кўрмай ўтиб кетсам, гоҳи улар мени пайқашмаганига гувоҳ бўламан. Бунинг сабаби оддий – биз ўзимизга керак-керакмас эҳтиёжлар ортидан қувадиган бўлдик. Бутун куч ва эътиборимизни маиший эҳтиёжларга боғлаб қўйганмиз, десам ҳам муболаға бўлмайди.

Хўш, биз вақтимизни бир-биримиздан қизғаниб яшаётган айни даврда ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бор инсонларнинг ҳаёти, тақдири қандай кечаётган экан?

Очиғи, ижтимоий ҳимоя ҳақида ҳужжатлар, нафақалар, имтиёзлар ва статистик рақамлар орқали кўп гапирамиз. Аммо бу тушунчалар ортида ёрдамга муҳтож одамларнинг эртанги кунга умиди туради. Шу маънода ижтимоий ислоҳотлар жараёнига бир қур назар ташлашни мақсад қилдик.

Бизнес ва ижтимоий бошқарувда «Титаник эффекти» деган тушунча бор. Бу тизим ва ташкилотларнинг ўз салоҳиятига ортиқча ишониши, талай муаммоларни кўздан қочириши туфайли инқирозга юз тутишини англатади.

«Титаник» кемаси 1912 йил 14 апрелдан 15 апрелга ўтар кечаси Атлантика океанининг шимолий қисмида айсбергга урилиши оқибатида океан тубига ғарқ бўлади. Ҳалокат кечасида «Титаник» капитанига бу ҳақда бир нечта радиограммалар келган. Аммо радистлар ва раҳбарият «Кема барибир чўкмайди» деган ишонч билан бу хабарларга етарли даражада эътибор бермай, телеграмма жўнатиш билан банд бўлишган. Ҳатто реклама шиорларидан бирида «Бу кемани Худо ҳам чўктира олмайди» деган ёзув бўлган.

Ушбу фожиа ҳақида, жумладан, 1997 йилда Жеймс Кэмерон томонидан яратилган «Титаник» фильми орқали биламиз. Фильмда ишқий муносабатларга катта урғу берилган бўлса-да, аслида унда янада чуқурроқ ижтимоий масалалар акс этган. Ижтимоий қатламлар ўртасидаги тафовут, кемадаги уч хил синф вакиллари ҳаётидаги кескин фарқлар моҳирона тасвирланган. Ҳатто фавқулодда вазиятлар учун мўлжалланган қутқарув қайиқларининг бир қисми аристократ қатламнинг «Кема дизайни бузилади» деган важлари билан камайтирилгани ҳам ижтимоий тенгсизликнинг рамзий ифодаси сифатида кўрсатилган. Яъни инсонлар ҳаётидан кўра, юқори синф вакиллари хоҳиши устун қўйилгани таъкидланган.

Аслида «Титаник» кемасини мажозан жамиятга, унинг муҳандислиги ва хавфсизлик тизимини эса давлат бошқарувига қиёслаш мумкин. Агар давлат жамиятни мувозанатли ва адолатли бошқара олмаса, ижтимоий тенгсизлик, эътиборсизлик ва тизимли хатолар охир-оқибат ҳалокатга олиб келади. Шу маънода кучли ижтимоий ҳимоя тизими барқарор жамият қуришнинг асосий кафолатларидан биридир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар ҳам айнан тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилди. Узоқ йиллар давомида ижтимоий ҳимоя асосан кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалардан иборат деб қаралган. Бироқ бу ёрдамлар ҳар доим ҳам манзилли ва тизимли бўлмаган. Давлат томонидан ажратилган маблағлар кўпинча умумий кўрсаткичлар асосида тақсимланиб, айрим эҳтиёжманд фуқаролар тизимдан ташқарида қолиб кетган.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида белгиланиши эса бу соҳада туб бурилиш ясади. Эндиликда ижтимоий ҳимоя давлатнинг ихтиёрий ташаббуси эмас, балки қонун билан мустаҳкамланган мажбуриятига айланди. Бу ўзгариш ижтимоий сиёсатни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур конституциявий ёндашув амалиётда ҳам ўз ифодасини топди. 2023 йил 1 июнда аҳолини сифатли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш мақсадида Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди ва бу Конституцияда белгиланган «Ижтимоий давлат» тамойилини ҳаётга татбиқ этувчи биринчи ва энг йирик институционал механизм бўлди. Ушбу институт қисқа вақт ичида ижтимоий сиёсатнинг муҳим марказига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан трансформация қилиш борасида стратегик вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ҳар бир оила ва инсон тақдирига индивидуал ҳамда профессионал ёндашиш

> *Ижтимоий хизматлар тизимида амалга оширилган муҳим ўзгаришлардан бири институционал ислоҳотлардир. Хусусан, илгари фаолият юритган «Саховат» интернат уйлари тугатилиб, уларнинг негизида очиқлик ва ижтимоий интеграция тамойилларига асосланган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилди. Агентлик тизимидаги 11 та санаторийда қарийб 120 минг нафар имтиёзли тоифа вакиллари – I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ҳамда пенсия олувчилар бепул соғломлаштирилди.*

ислоҳотларнинг бош мезонига айланди. Бунда эски қолиплардан, яъни юзаки ва умумий ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, ижтимоий ёрдамнинг манзиллилиги ҳамда натижадорлигини таъминлаш, энг муҳими, ижтимоий хизматларни бевосита маҳалла даражасида фуқарога энг яқин бўғин – маҳалла даражасига тушириш соҳа вакиллари учун устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўтган давр тажрибаси шуни кўрсатдики, ижтимоий ҳимоя тизими узоқ йиллар давомида асосан маблағларни тақсимлаш билан чекланиб қолган. Айрим ҳолларда тизим фуқароларга ўзини ривожлантиришлари учун туртки бўлиш ўрнига, аксинча, ёрдамга қарамликни кучайтириб юборган. Масалан, меҳнатга лаёқатли кишилар ҳам нафақа тизимида қолиб кетган, ногиронлиги бор шахсларнинг реабилитацияси ва касбга тайёрланиши эса етарлича эътиборга олинмаган.

Ислоҳотларнинг асосий мақсади эса айнан шу ёндашувни ўзгартиришдир. Машҳур иқтисодчи Абҳижит Банержи шундай дейди: «Камбағалликка қарши кураш фақат пул тарқатиш билан эмас, балки инсонларга имконият яратиш орқали амалга оширилади». Бу фикр замонавий ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойилларидан бирига айланган.

Бугунги ижтимоий сиёсатнинг асосий моҳияти шундаки, давлат ўз фуқаросини иқтисодиётнинг фаол иштирокчисига айлантиришни бош мақсад деб билади. Ҳар бир шахсга фавқулодда истеъдод, инновация яратувчи, алоҳида лойиҳа сифатида қарайди. Бир сўз билан айтганда, ногиронлиги бор инсонларга умидсиз қараш, уларга йўналтирилган маблағ ва ёрдамларни ортиқча харажат деб баҳолаш даври тугади. Эндиликда улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ва иқтисодий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш имкониятига эга бўлишди.

Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил аввал косиб йигит вилоят раҳбарининг сайёр қабулларидан бирида ўзига ногиронлик аравачаси сўрагани ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлганди. Чунки аксариятимизда кам таъминланган ва ногиронлиги бор шахсларга нисбатан янглиш тасаввурлар шаклланган. Уларни давлатнинг ҳимоясига боғланиб қолган, берилганига қаноат қилмай, ҳамиша ўзгалардан кўмак кутади, деб ўйлаймиз. Аммо косиб Ойбек Мадатовнинг ҳикояси бу каби янглиш тасаввурларни парчалаб ташлади. Аслида улар ғурур ва ҳамият борасида кўпчиликка ўрнак бўлишади.

Ойбек бирламчи эҳтиёж сифатида аравача, косиблик билан шуғулланиши учун жой ва шароит сўради. Ортиқча нарса илтимос қилмади. Барча истаклари амалга ошгач, ҳатто ҳокимлик (давлат вакиллиги) ёрдамида оила қургач, унинг ҳаётга бўлган муносабати қанчалар ўзгарганини тасаввур қилаверинг!..

Олдинлари ижтимоий ҳимоя масаласи 4-5 та масъул ташкилот зиммасида бўлган бўлса, бугун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги барча функцияларни ўзида жамлаган институционал марказий тузилмага айланди. Ташкил этилган пайтдан ҳозирга қадар кенг кўламли ишларни амалга оширди.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий дастурлар кўлами сўнгги йилларда сезиларли даражада кенгайди. Хусусан, ушбу дастурларни молиялаштириш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан икки баробарга ошди, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови эса беш баробарга кенгайди.

2026 йилги бюджет тақсимотига кўра, маблағларнинг 54,7 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилгани ҳам ислоҳотлар ўта жиддий тус олганидан далолат беради. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахслар ва ногирон болалар парвариши билан банд фуқаролар учун янги нафақа турлари жорий этилди. Бугунги кунда ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшайдиган 2 минг нафар фуқарога доимий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими иш бошлади.

Ўзгалар парваришига муҳтож 17,8 минг нафар фуқаронинг ягона реестри шакллантирилди. Ушбу тизим орқали аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш имконияти кенгайди: уларнинг катта қисми имтиёзли дори воситалари билан таъминланди, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда минглаб оилаларнинг уй-жой шароити ногиронлик эҳтиёжларига мослаштирилди. Шунингдек, оилавий шифокор, ижтимоий ходим ва маҳалла раисидан иборат мултидисциплинар гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар ҳар чоракда фуқароларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражасини баҳолаб боради.

Мазкур ёндашув самараси ўлароқ, кўплаб фуқароларнинг соғлиғи ва ижтимоий ҳолати яхшиланиб, уларнинг жамият ҳаётига қайтишлари учун зарур шароитлар яратилди. Кўрсатилган хизматлар натижасида 13,9 минг нафар шахснинг муҳтожлик даражаси камайиб, уларнинг мустақил ҳаёт кечириш имконияти кенгайди.

Ижтимоий хизматлар тизимида амалга оширилган муҳим ўзгаришлардан бири институционал ислоҳотлардир. Хусусан, илгари фаолият юритган «Саховат» интернат уйлари тугатилиб, уларнинг негизида очиқлик ва ижтимоий интеграция тамойилларига асосланган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилди. Агентлик тизимидаги 11 та санаторийда қарийб 120 минг нафар имтиёзли тоифа вакиллари – I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ҳамда пенсия олувчилар бепул соғломлаштирилди.

Инклюзив таълимни ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Илк бор ногиронлиги бўлган болалар ўртасида «Имкониятлар олимпиадаси» касб танлови ўтказилди. Мактабгача таълим тизимида юзлаб инклюзив гуруҳлар ташкил этилиб, умумтаълим мактабларида шу тартибдаги янги синфлар очилмоқда. UNICEF билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида ижтимоий соҳа ходимлари замонавий билим ва кўникмалар асосида тайёрланмоқда.

Албатта, келтирилган рақамлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фақат бир қисмини акс эттиради. Муҳими шундаки, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қисқа вақт ичида мамлакат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим институционал бўғинига айланди. У аҳолининг энг қуйи қатламлари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бу жараёнлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш йўлида ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизга ижтимоий ҳимоя тушунчасининг киритилиши мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсатнинг устуворлигини яна бир бор тасдиқлади. Президентимиз ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши эса бу сиёсат фақат ҳужжатларда эмас, балки амалий ҳаётда изчил рўёбга чиқарилаётганининг яққол ифодасидир. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, жамиятимизнинг барча аъзоларига тенг имкониятлар тақдим этиш орқали мамлакатимизда инсон капиталини рўёбга чиқарадиган инклюзив иқтисодиёт пойдеворини мустаҳкамламоқда.

Зеро, барқарор тараққиёт барча фуқаролар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида тенг иштирок этган тақдирдагина таъминланади.



Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ

НУҚТАИ НАЗАР

МУЛОҲАЗА



ЎЗ ШОДЛИГИНГИЗ УЧУН ЎЗГАЛАР ҲАЛОВАТИНИ БУЗМАНГ

Ҳамма ҳам қувончли саналарни ўзгача нишонлашни истайди. Охирги вақтларда кичик оилавий тантаналарни ҳам дабдабали ўтказиш одат тусига кирди. Ресторанлардаги тўкин-сочин дастурхон, шоулар, совғалар ва кун якунидаги мушакбозлик... Тўғри, тунги осмондаги ранг-баранглик байрам эгаларига хушкайфият бағишлаши мумкин. Аммо ана шу қувонч бошқаларнинг ҳаловатини бузиш ҳисобига бўлиши керак эмас.

Кечки вақтда одамлар дам олади, эрталаб кимдир ишга, кимдир дарсга, яна биров муҳим тадбирга бориши керак. Ва эндигина ухлашга ётганда ёки аллақачон ором олаётганда тўсатдан кучли портлаш овози эшитилса, нима бўлади?

Баъзи оилаларда болалар ёки ҳомиладор аёллар, бошқаларида кексалар ёхуд беморлар бўлиши мумкин. Улар кучли ва кутилмаган товушдан чўчиб кетишади. Қўрқув одамлар соғлиғига, ҳатто кичкинтойларнинг нутқига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Ёки ҳомиладор аёл қаттиқ чўчиб кетиши оқибатида туғилажак фарзанди ва ўзининг ҳаёти хавф остида қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Биз-ку инсонмиз, вазиятни англашимиз мумкин. Аммо уй ҳайвонлари-чи? Улар кутилмаган «портлаш»ни ҳалокатли сигнал сифатида қабул қилади.


Тўғри, бир кун минг кун эмас деган фикр туғилиши ҳам табиий. Лекин муаммонинг илдизи айнан шу ерда... Бир хонадон учун йилда бир-икки марта бўлган тантанали тадбирлар бутун ҳудудни назарда тутганда, кўп бор такрорланиши бор гап. Бугун кимдир туғилган кунини, яна бир инсон бошқа санани нишонлайди, эртага биров тўй ўтказади. Натижада аҳоли яшайдиган жойларда тунги осойишталик тез-тез бузилади.

Ўйлаб кўрилса, жамиятда яшаш маълум бир масъулиятни талаб қилади. Биз ёлғиз эмасмиз. Кўп қаватли уйда ҳам, маҳаллада ҳам алоҳида чегаралар бор. Шунинг учун оилавий тадбирларни нишонлашда бошқалар манфаатини ҳам ҳисобга олиш керак. Биз кўпинча маданиятни одоб билан сўзлашиш, катталарга салом бериш ёки жамоат жойини тоза сақлаш билан баҳолаймиз. Аслида унинг яна бир муҳим кўриниши ўзгаларнинг осойишталигини ҳам ҳурмат қилишдир.

Байрам кайфиятини яратиш учун, албатта, тунги салютлар отилиши шарт эмас. Яқинлар билан бир дастурхон атрофида жамулжам бўлиш, совға улашиш, ширин сўзлар айтиш, эсдалик учун суратга тушиш ёки биргаликда вақт ўтказиш ҳам ёқимли. Ҳақиқий тантана оддий самимият билан ўлчанади.



Адолат БАХТИЁРОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши жамоаси кенгаш раиси Абдукарим Абдураҳмонович Аҳмедовга укаси

Абдишукур Абдураҳмонович АҲМЕДОВ

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruxbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 01:50
Topshirildi – 02:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 028 ta
Shundan: 6 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-1011**

1 2 3 4 5 6